



ШОҶЕТ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 275 (18.752) • Шанба, 1983 йил 3 декабрь • Баҳоси 3 тийин.

ОБЛАСТЬ ВА ЎЛКА КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Партия ташкилотларидаги жуда муҳим кампания — ҳисобот ва сайлов кампанияси ишчиларни руҳда, ғаввий-сиёсий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш. Реализм—прагматикани чуқур таҳлил этиш бу кампаниянинг ўзига хос энг муҳим хусусиятидир. Коммунистлар партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумнинг қарорларини амалга ошириш ҳосасидан ўз куч-ғайратлари натижаларини талабчанлик билан атрофда баҳоламоқдалар.

«Биз қарерда турганимизни сергак тасаввур қилишимиз керак, — деб ўқитди ўртоқ Ю. В. Андропов. — Шоҳқалоқлик билан олдинга кетиб қолмиш — амалга ошириб бўлмайдиган вазифаларни ўртага қўйиш демакдир; фақат эришилган маррада тўхтаб қолмиш — ўз иштирокидаги ҳамма имкониятлардан фойдаланмаслик демакдир. Жамиятимизнинг реал ривожланишини, унинг ҳамма имкониятлари ва эҳтиёжларини кўриш ҳозир талаб қилинган энг муҳим вазифадир».

Ҳисобот ва сайлов кампаниясининг навбатдаги босқичи бошланмоқда. Бошлангич партия ташкилотларидаги йилги ишлар тугалланди, кўпгина шахар ва район комитетлари ўз ишлари ҳақида ҳисобот бериб бўлди. Область ва ўлка конференциялари бошланмоқда.

Бу конференциялар мамлакат турмушининг муҳим босқичида ўтказилди. Ўн биринчи беш йилнинг учинчи йили тугай деб қолди. Утган давр ичда кўпдан кўп зўр бунёдкорлик ишлар қилинди. Бу йил раҳбарлик услубини такомиллаштириш, интизом ва ушшоқликни мустаҳкамлаш юзасидан КПСС Марказий Комитети амалга оширган тадбирлар натижасида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари кучайди, унинг иқтисодий самарадорлиги ошмоқда. Бунда ўз регионларидаги партия ташкилотларининг, кенг меҳнаткашлар оmmasининг куч-ғайратларини ўртага қўйилган вазифаларини ҳал қилишга сафарбар эта олган область, ўлка партия комитетларининг ҳам хизмати катта.

Бошланган ўсиш суръатига барқарорлик тўқини бериш керак. Бу — область ва ўлка партия конференциялари биринчи галда гамхўрлик қиладиган ишдир. Улар ортирилган тажрибадаги жаммики ишларни нисбатан эҳтиёт қилиб асрашлари, коммунистларнинг диққат-эътиборини ижтимоий интенсионалликка қаратишлари керак. Бунинг учун ҳамма жойда имкониятлар бор. Меҳнат унумдорлигини тўбдан ошириш энг муҳим вазифадир. Бу вазифанинг ҳал этилиши интизомни янада мустаҳкамлаш билан ва ҳамма ишда тартиб ўрнатиш, иқтисодий тежасини кучайтириш билан, ишлаб чиқаришни ва бошқарушни ташкил қилишни такомиллаштириш билан чамбарчас боғланган.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот ва сайлов кампаниясини ўтказиш тўғрисидаги қарорда ўқитиб ўтилганидек, беш йиллик топириқларни баҳарлашнинг асосий қисми бўлиб қолди. Ўн биринчи беш йилнинг учинчи йили тугай деб қолди. Ўн биринчи беш йилнинг учинчи йили тугай деб қолди. Ўн биринчи беш йилнинг учинчи йили тугай деб қолди.

Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қўрсатмаларига асосан идеологик, оммавий-сиёсий иш қандай йўлга қўйилганини эътибор билан муҳокама қилишлари лозим. Партия комитетлари ва бошлангич партия ташкилотлари пропаганда ва агитация ишларини савиясини ошириш, бу ишнинг ҳаёт билан боғланганлигини кучайтириш учун биргаликда иш қилишлари. Шу билан бирга бу соҳада қилинган ишларни баҳолаш, расмийлаштириш, таҳлил қилиш ҳам инкор қилиб бўлмайди. Пленумда идеология иш бўлган партиянинг, ҳар бир коммунистнинг иши, деб аталди. Бу ишни таҳлил этишда ҳамма шунга асосланиш керак. Айниқса, ишлар билан олиб бориладиган тарбиявий иш кучайтиришни лозим. Ўттири масалалардан ўзини четга олмаслик, сўз билан ишнинг бирлигига эришиш коммунистларнинг бурчидир. Талон-торож ва юлчилик, пораворлик ва ичкикиллик факторларини таг-томлари билан тугатиш, буржуа идеологиксининг таъсирига қарши, ёт фикрлар ва фелъ-атворларини турмушимизга олиб кириш йўлидаги уринишларга қарши кескин кураш олиб бориш керак.

Партиявий раҳбарлик услуби ва методларини янада такомиллаштириш зарурлигини замон тақозо этмоқда. Партия XXVI съезидан кейин бир қанча партия комитетларининг фаолияти жиддий анализ қилинди. КПСС Марказий Комитетининг Саратов область партия комитети ҳисоботи юзасидан қабул қилган қарори принципал аҳамиятга эгадир. Конференциялардаги ҳисобот доқладларида ва уларни муҳокама қилиш чоғида ҳозирги замон шaroитида область ва ўлка комитетлари ишларининг асосий томонлари ва йўналишларини батафсил кўриб чиқиш керак. Аввало кадрларни тайинлаш, жой-ойинга қўйиш ва тарбиялаш масалалари, ижтимоий контрол қилиш йили партия демократиясини ривожлантиришга, бошлангич партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишга, партия савфларининг сифат составини яхшилашга оид қарорларни таҳлил қилиш ҳам муҳим масала бўлиши керак. Бу ўринда беш коммунистларнинг ғаввий-сиёсий жиҳатдан чинқилиши, партия кучларини жойлаштириш проблемалари ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Конференциялар партия, давлат ва ҳўжалик органларининг фаолиятида ишчиларнинг янада қарор топилишга, беҳуд ва кенашлар ва мажлисларини, қўғозбозликни қисқарттиришга, ташкилотчилик ишнинг бевосита қўйи партия бўйлигида, меҳнат коллективларига марказлаштиришга қўйилган лозим. Худди шу жойларда барча планларимиз ва мажбуриятларимизнинг тақдирини ҳал этилади. Советларда, касба союзуларда, комсомолда ишловчи коммунистлардан партия сиёсатининг ўтказилиши учун кўпроқ талабчанлик қилиниши керак. Меҳнаткашларнинг хатлари, арзлашлари, шикоятларига муносабатини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Конференциялар партия турмушининг ленинча нормаларига қатъий риоя этиш, чинакам демократизм ва принципаллик вазиyтида ўтказилишини таъминлаш муҳимдир. Область ёки ўлка партия комитети ўз иши ҳақида ҳисоб берад экан, конференцияга ўз-ўзини танқид руҳида чуқур мазмуни доқлад тақдим этишни, ўзига ва бошқаларга юксак талабчанлик, камчилик ва нуқсонлар учун қатъий жавобгарлик намунасини кўрсатиши керак. КПСС Марказий Комитети ҳамма нарсани олдиндан белгилаб қўйишга, ўринсиз сўзасомликка, ўтири масалаларини ҳас-пўшлашга ва танқидини юмшатишга йўл қўймаслиги керак, деб оғоҳлантириш керак.

Сайлаб қўйилган органларни тузиш конференциянинг масъулияти босқичидир. Комитетларнинг составига ташкилотчилик қўйилганда, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган сиёсий етук, билимдон ва ташаббускор кишилар кўрсатилиши табиий. Ишчи ва колхозчиларнинг, мутахассис ва раҳбарларнинг, хотин-қизларнинг, партия ташкилотлари составидаги миллатларнинг муносиб намуналарини сайлаб қўйилган органларда бўлишлари керак.

Область ва ўлка конференцияларида қабул қилинадиган қарорлар ишда янги омили бўлиб хизмат қилади. Коммунистлик қўрилишини ҳамма участкаларидаги муваффақиятларини кўпайтириш учун бутун куч-ғайратини сарфлаш — коммунистларнинг бурчидир.

(«Правда» газетасининг 2 декабрдаги бош мақоласи).

УЗБЕКИСТОН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БҮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида мамлакат ички ва ташқи сиёсатида доир бир қанча масалаларни муҳокама қилди. СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг саноат корхоналарида ва бирлашма-ларда меҳнатини таъинлаб этишнинг бригада формасини ривожлантириш юзасидан Сиёсий бюро қарорига мувофиқ тайёрлаган таклифларни кўриб чиқиб, маъқуллади. Шу мақсадда ишлаб чиқаришни планлаштириш, ҳисобга олиш ва ташкил қилиш системасига зарур тузатишлар киритиш, ишчиларга иқтисоди ва турдош касбларни ўргатишни йўлга қўйиш, бригадларнинг ишчи малакасини ошириш ва уларнинг резервини тайёрлаш ҳосасидан ишчи яхшилаш тадбирлари белги-ланди. Бригадлар кенга-шларининг ва бригадирлар

кенашларининг ролини кучай-тириш, бригадир вазифасини бажарувчи ишчиларнинг меҳнатини, шунингдек бри-гадларининг барқарор ва са-марали ишчи ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш участкалари мас-терлари ва инженерларнинг моддий рағбатлантириш тадбирлари кўзда тутилди. Бригадларда меҳнат кол-лективлари ишларини юксак пиронад натижаларига эри-шишга, меҳнатга коммунист-тик муносабатда бўлишни тарбиялашга, ҳар бир хо-димнинг ижодий қобилият-ларини намоён этишга қара-тилган мусобақани ривож-лантириш ҳосасидан корхо-на раҳбарларининг ва ка-саба союз комитетларининг вазифалари белгиланди. Шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорининг ва СССР Министрлар Совети билан ВЦСПС қарорининг

баёни матбуотда эълон қи-линади. Сиёсий бюронинг мажли-сида қишлоқ ҳўжалик соли-ғи тўғрисидаги ва шу солиқ-солинини муносабати билан Ватан уруши инвалидлари-га ва бошқа баъзи катего-риядаги граждaнларга бе-риладиган енгилликларни кенгайтириш ҳақидаги қо-нуналарни янада такомил-лаштириш йўллари белги-ланди. КПСС Марказий Комите-ти Сиёсий бюроси СССР-нинг ҳаво Кодакис қондала-ри амалга оширилиши муно-сабати билан СССРнинг ҳа-вода учушни бошқариш яго-на системасини яратиш со-ҳасида ҳукумат ишлаб чи-қан тадбирларни маъқуллад-ди. Сиёсий бюро мажлисининг кун тартибида Ўзaro Икти-содий Ердaм Кенгашига

ТИНЧЛИК—ИДЕАЛИМИЗ АҚЛ-ИДРОК ОВОЗИ

Давримиз денгиздай чай-қалиб турибди. Бу тўқтин тобора зўраймоқда. Унинг асосий сабабчиси АҚШ бош-лиқ империалистлардир. ГФР, Буюк Британия ва Италия территориясида олис-лиқка учуриладиган ракета-лари жойлаштирила бошлан-ди. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети-нинг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми-нинг Раиси Ю. В. Андропов-нинг Баёоти эълон қи-линиши, бу айти вақтда ай-тилган фикрди. Баёотда-ти илгари сурилган фикр-лар бутун совет кишилари-нинг, айти чоғда ер юзидан барча тинчликсевар инсо-ниятнинг дилидаги гаплардир. Рейган маъмуриятининг ҳо-зирги сиёсати уларнинг сиё-сий қўрлигидан, тарих олди-даги кечирилмас хатосидан бошқа нарсa эмас! Партия ва давлатимиз раҳбарининг Баёотида биз, санаткорлар тўла қў-лаб-қувватлаймиз. Ҳамма номдаги Ўзбек Давлат Ака-демик драма театримизда ўртоқ Ю. В. Андропов Баё-оти эълон қилиниши билa-ноқ тўпналиб, митинг ўтказ-ди. Рейган маъмурияти-нинг хатти-ҳаракати пуч эканлигини митинг қатнаш-чилари таъкидлаб ўтдилар. Мен бир совет актёри си-фатида, коммунист сифати-да ўртоқ Ю. В. Андропов Баёоти ўз вақтида эълон қилинган ҳужжат, деб била-ман.

САЛМОҚЛИ ҲИССА

Партиямиз билан давлатимиз бошлиғи, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёотида совет кишиларининг, соци-алистик ҳамаўшлик мамла-катларидаги барча халқлар-нинг ҳафсизлигини таъмин-лаш тўғрисида гaмхўрлик қилинади. АҚШнинг ҳозир-ги маъмурияти қуролини пеш қилаётганлига, мамлакатим-из бўсағасида ракета-лар ўрнатаётганлига тоғат қи-либ бўлмайди. Биз ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёотида айтиб ўтилган қатъий чораларга батамом қўшилишимиз ҳамда Ватанимиз иқтисодий ва му-дофая қудратини мустаҳ-камлаш йўлида яна ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилиш-га тайёриймиз. Биз ўз бахти-мизни тинч меҳнатдан топ-моқдамиз. Аммо, импери-алистлар бизга ўз хоҳи-иросасини ўтказишга урина-диган бўлсалар, биз уларнинг эҳ-суҳшини жойига келтириб қўя оламиз. Биз учун Ватан равақ-дан азия нарсa йўқ. Биз тинчликнинг ишончли таъ-ини — Совет давлатининг қудрати мустаҳкамлашни учун яна ҳам яхшироқ меҳ-нат қиламиз. Бригадими-аъзолари қўриқ ерларда мўл ҳосил этиштириб, гек-тар бошига ҳозирдаёқ 40 центнердан «оқ олтин» я-ғиштириб олдик. Ҳосилдор-лигини гектарига қиқ беш центнерга етказамиз. Бу эса ер юзидa тинчлик учун курашга қўшадиган ҳисса-миз бўлади. А. МИРЗАКАРИМОВ, Андижон область Комсо-молбод районидagi Мир-заҳмедов номи совхоз бригадир.

ПАХТАНИ ОХИРГИ ЧАНОҒИГАЧА ТЕРИБ ОЛАЙЛИК

● РЕСПУБЛИКАМИЗДА 2 ДЕ-КАБРЬ ЭРТАЛАБИГА ҚАДАР 5648739 ТОННА ПАХТА ТАЙЕРЛАНДИ.
● УТГАН КУНИ ДАЛАЛАРДАН 18861 ТОННА ДУРДОНА ТЕРИБ ОЛИНДИ.
● «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР ДАРҒА-ЛАРИНИНГ МАВСУМ БОШИДАН БЕР-НИ ТЕРГАН ПАХТАЛАРИ 1992728 ТОННАГА ЕТДИ.

Республика мамбуот маркази хабар қилади

ЯККАБОВ МАРРАГА
ЕТДИ
● ЯККАБОВ району меҳнат-чилари пахта топириш йил-лик планини бажарди. Қабул пунктлари улардан 42 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Жами ҳосилининг 6300 тоннасини қимматбаҳо ингичка толали пахта ташкил этади. Машиналар бункеридан 22800 тонна «оқ олтин» бўй-тидди.
«Ленинизм» колхозининг Эш-пўлат Бердиев, Энгельс номи колхозининг Муҳаммад Бой-жигитов бошчилиқ қилаётган бригадалари ҳар гектар май-дондан 45—58 центнердан хирмон кўтардилар.
Район меҳнаткашларининг

наларда териб бердилар. Ҳў-жаликлар далаларида 133 та пахта териш комбайни юксак унум билан ишлатилди. Улар-нинг ҳар бирида ўртача 120 тоннадан том ашё терилди.
Мусобақа пешқадамлари — меҳнатзорлардан Бўри Жу-маев, Раҳмон Арзиев, Мама-ражаб Абдуллаев, Қудрат Го-чиев, Худойқул Шерпаевлар хирмонга 130—150 тоннадан «оқ олтин» топиридилар.

ҒАЛАБА МУВОРАК
● Олот районидаги КРУПС-АЯ номи ва Вобект рай-онидаги Л. БРЕЖНЕВ номи колхозларининг азамат пахта-корлари зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажар-дилар. Бу ҳўжаликларда ҳо-силдорлик 42—44 центнерни ташкил этиди.
Ғолиб пахтакорлар етишти-рилган ҳосилни сўнгги чаноғи-гача йиғиб-териб олишга аз-му қарор қилганлар.
● Бегуний районидаги НА-ВОЙ номи колхоз зарҳо-нослари беш йиллик учинчи йилги оширилган социалистик мажбуриятини ҳам дундириб адо этидилар. Мавжуд 745 гек-тар экин майдонининг ҳар гек-таридан 60 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Бу, план-дагидан 12 центнер кўп, де-макдир.
Йиғим-терим давом этмоқда.



Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхозининг Фо-тимахон Исроилова бошлик илгор бригадаси социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди. Йиғим-терим пахта ташкил этган зарҳонослар 70 гектар майдонининг ҳар гек-таридан 50 центнердан «оқ олтин» териб олишга эришди-лар. Суратда: Ф. Исроилова.

«Оқ олтин» хирмонига

Республика областларида пахта тайерлашнинг бориши тўғрисида шу йил 2 декабрга бўлган
МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайерланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.				
ХОРАЗМ	0,07	107,73	0,06	61,95
ҚАСС	0,15	107,13	0,11	74,32
ТОШКЕНТ	0,03	103,91	—	87,75
Самарканд	0,49	99,64	0,33	56,55
Бухоро	0,38	98,85	—	8,40
Қашқадарё	0,36	98,76	0,37	73,10
Навоий	0,44	96,42	0,30	36,24
Сурхондарё	0,66	94,40	0,27	46,64
Фарғона	0,44	92,08	0,21	9,14
Наманган	0,30	89,62	0,07	50,38
Андижон	0,27	89,12	0,01	25,49
Жиззах	0,20	82,95	—	61,27
Сирдарё	0,21	82,77	0,01	60,56
Республика бўйича:	0,32	95,26	0,13	50,51
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
НАВОЙ	0,04	151,44	0,05	100,42
СУРХОНДАРЕ	0,91	137,24	0,41	83,92
ҚАШҚАДАРЕ	0,44	125,47	0,27	86,63
БУХОРО	0,44	112,21	—	—
Наманган	0,72	87,60	—	—
Республика бўйича:	0,70	132,23	0,33	79,91

ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Лаос халқи ўзининг жан-говар авангарди — Халқ революцион партияси раҳ-барлигида қомил ишонч бил-ан социалистик жамият асосларини барпо этмоқда. Москва меҳнаткашлари на-моёндаларининг ЛХДР эълон қилинган куннинг 8 йиллигига ва СССРда Совет — Лаос дўстлиги ҳафталиги очилишга бағишланиб, 1 декабрь кунини ўтказилган тантанали мажлисида ана шу нарсa таъкидлаб ўтилди.
Сўзга чиққан нотиклар Лаос халқи феодализм ва мустамлакачиликдан мерос қолган барча қийинчилик-

ЎЗБЕКИСТОН АСАЛАРИЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

«Узпеллопром» системаси-даги совхозлар ва бошқа таш-килотларнинг асарларчилари КПСС XXVI съезди ва Ўзбе-кистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, давлатга асал топириш йиллик планини муддатидан илгари бажарди-лар.
Тайёрлов пунктларига 1315 тонна асал етказиб берилди. Давлатга асал топириш да-вом этмоқда.
«Узпеллопром» асарлари-чи

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

МОСКВАДАГИ М. ГОРЬКИЙ НОМИ ССР ИТТИФОҚИ БАДИЙ АКАДЕМИК ТЕАТРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА
Қўлмиллатли совет театр санъатини пропаганда қилишда муҳим роль ўйнаган, республика меҳнаткашларини комму-нистик руҳда тарбиялашга актив қўмаклашган гастролларни муваффақиятли ўтказгани учун Москвадаги М. Горький номи ССР Иттифоқи Бадий академик театри Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ерлиги билан мукофотлансин.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми
Рансининг ўринбосари
Г. ОРЛОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.
Тошкент шаҳри.
1983 йил 2 декабрь.

«Совет Ўзбекистони» йўлланмаси билан



СЎНГГИ МИСҚОЛЛАРГА!

Шу кунларда республикамиз пахтакорлари олти миллион тонналик улкан хирмонларининг сўнгги мисқолларини йиғиб олмақда. Фарғоналик пахтакорлар ҳам тонгини шомга улаб тер тўймоқда, улкан хирмонга ўзларининг муносиб улушларини қўшибмоқда. Водийда бўлган киши бободоҳоннинг меҳнат жасоратига ғувоҳ бўлади.



● Олтирай районидagi Энгельс номи колхозининг «оқ олтин» ижодкорлари 4100 тонналик хирмон бунёд этиш иштиникида - пахтазорларда мардона меҳнат қилмоқдалар. Улар қаторида чевар теримчи-механизатор, хизммати баянда ҳашарчилар ҳам бор. СУРАТДА: (чапдан) участка бошлиғи Собиржон Ҳакимов ва бригадга етакчи си Қобилжон Солиев илгор теримчилардан Қурбаной Соқиева, Марҳаб Уринбоева, Раъно Тожилиева, Жамил Қорабоева, Муҳаддас Имомовалар билан. Уларнинг ҳар бири 10-12 тоннадан пахта териш мажбуриятини олинган.

БУВАЙДАНИНГ АЛПОНА ҚАДАМИ

ХАЕЛИМИЗДА Бувайдани аллақандай шодлиқлару қўтловлар бағрида ҳис этган эдик. Ахир, областда биринчи бўлиб аҳду паймон, баҳорда берилган ваъда, катта йиғинларда айтилган сўз оқланди. Областда илк доводдан биринчи бўлиб бувайдаликлар ўтди. Одамлар бир-бирларини қучишаётгандир, бир-бирларини энг ширин сўзлар билан қўтлашаётгандир! Бувайдага ана шундай ўйлар билан кириб келдик. Кўчаларда ҳеч ким кўримайди, ҳеч ким! Район партия комитетидagi наватчи:

— Мақсудали Ҳайдарович «Ленинбод» колхозидалар, — деди. — Котиба қизимиз ҳозир мажбуриятимиз ҳам бакарилганлиги ҳақидаги рапортни тайёрлайти!

— Шундайми?

Биз наватчининг ижозати билан райкомнинг биринчи секретари Мақсудали Ҳайдаровнинг «Набат кичкинчи мажбуриятга» деган мақоласини кўздан кечирдик.

«22 ноябрь кунги пахта тайёрлаш йиллик ҳалқ хўжалик планини областда биринчи бўлиб бажариб, 12 минг гектар-майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, давлатга 40 минг 600 тонна пахта етказиб берган эдик. Бугун — 25 ноябрь кунги эса, баҳорда олинган мажбурият қўқисини ҳам етказиб, 48 минг тонналик хирмон уйиб қўйдик.

Район эришган бу ғалабага плании областда биринчилардан бўлиб бажарган Киров номи, «Партия XX съезди» колхозлари, Даржинский номи совхоз пахтакорлари айниқса, муносиб ҳисса қўшдилар. 1 минг 464 гектар-майдонда деҳқончилик қилган «Партия XX съезди» колхозда ҳосилдорлик ҳордаёқ 43 центнерданга бориб қолди. Хўжаликда гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» олиш учун курашилмоқда.

Киров номи, «Ленинбод» колхозларида эса, ҳосилдорлик 40 центнердан ошди. «Октябрь», Калинин номи, «Шарқ юлдузи», «Правда», Карл Маркс номи, «Коммуна» колхозлари ҳам районнинг зафар хирмонига салмоқли улушларини қўшдилар.

Қўриқ «Қўштен» совхозда илан 155 процентдан ошдириб юборилди.

Етиштирилган мўл ҳосилни эрта йиғиштириб олиш учун район партия комитети, колхоз, совхоз партия ташкилотлари амалий тадбирлар белгиладилар. Дала ишларига сафарбарлик кучайтирилди, бригадалар, механик-ҳайдовчи ва теримчилар ўртасида ўзаро мусобақа кенг анж олдирилди. У ҳар беш кунда йиқилди, голиблар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилади. Ҳар доимидек коммунистлар бу ҳаракатнинг бевосита ташкилотчи ва ташаббускори бўлидилар. Улар ҳар бир бригадда юксак ушқоқлик бўлиши, ҳосил юқори сифат билан йиғиштириб олиниш учун жонқуярлик кўрсатдилар. Райондаги жами коммунистларнинг 80 процентдан зиёдор бевосита йиғим-терим ишларида қатнашмоқдалар.

Б У ИЛ РАЙОНДА 50 центнерчи бригадалар сафи ҳар қачонгидан кенгайди. Шу ҳаракат ташаббускорларидан бири — район партия комитетининг бюро аъзоси Мамадали Усмонов бу йил ҳам коммунист меҳнат намунасини кўрсатди. «Партия XX съезди» колхозининг Аччиқўл массивидаги ерларда деҳқончилик қилган бригадга аъзолари 150 гектардан ҳозирчага 800 тоннадан ошдириб пахта топиридилар. Бригадда ялли хирмони 1000 тоннага, ҳосилдорлик эса 60 центнерданга етказиш учун жадал кураш олиб бормоқда.

Шу колхоздан Мамадали Аҳмедов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуллажон Рўзиев, Собиржон Қодиров, Патилхон Эргашев, Киров номи колхоздан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Жумақўли Юсупов, Юсуфжон Собиров, Шокирало Юсупов, Турсунали Холматов, «Ленинбод» колхозидан Мирзамаҳмуд Ўринов, Калинин номи колхоздан Хурсандой Норқўзиев, Карл Маркс номи колхоздан Салоҳиддин Мадрасимов, «Шарқ юлдузи» колхозидан Абдуқаҳор Турғунов бошлиқ ва бошқа ўнлаб бригадалар 43-46 центнердан ҳосил қўтардилар.

Республика партия ва ҳукуматининг Мураббаи районимиздаги ҳар бир кишининг қалбидagi пахтакорлик ҳиссини алангалатиб юборди. Ҳамма ўзини пахта ишига сафарбар деб билди. Теримчилар, механик-ҳайдовчилар унумта унум қўшдилар. Далада ишлаётганлар сафи кун сайин ортиб боради. Ҳар кунги ўрта ҳисобда 18-19 мингта қадар одам белгига етак бўлаб пахта терди.

Қўшнингкилограмчилар сафи орта борди. «Партия XX съезди» колхозидан Сайдинсо Париева 10 тоннадан ортиқ пахта терди, бу ҳаракатда пешқадамлик кўрсатди. Шу колхоздан Абдуллажон Жумаев, Киров номи колхоздан Раъно Аҳмедова, Нодира Мингбоева, Даржинский номи совхоздан Халида Рўзиева, «Шарқ юлдузи» колхозидан Зуфринисо Эратова, Калинин номи колхоздан Гулнора Аҳмедова бақилар ҳам 8-10 тоннага етказиб пахта териш қўйдилар. Бундай йиғим-терим қаҳрамонларини ҳар бир хўжалик ва бригадда учратиб мумкин. Район бўйича мингдан зиёд теримчи 6-8 тоннадан пахта териш қўшганлигининг ўзи ҳам бунинг далилидир.

Эндиги вазифа ҳосилнинг бирор граммини ҳам ест-нобуд қилмай йиғиштириб олишдир. Районимиз планга қўшимча ўн минг тонна пахта етказиб беради. Ялли ҳосилни 50 минг тоннага, ҳосилдорлигини эса гектар бошига 42 центнерга етказиш. Областида ва жонажон республикамизнинг катта хирмони қўшадиган ҳиссасини қўпайтираверди. Бу — бугунги кунда ҳар бир бувайдаликнинг шон-шараф ишига, муҳаддас бурчига айланган...

ФИДОЙИ КИШИЛАР

ХАҚИҚАТАН ҳам зафарни ифода этувчи рақамлар бўлган ерда лирика билан шуғулланишнинг ҳолати қолмайди. Мақсудали Ҳайдаров келтирган бу қувончли фактлар қайси ширин куйдан, қайси оромбахш қўшиқ ё ҳаяжонли шеърдан кам! Райком секретарини қидириб, йўл-йўлакай «Партия XX съезди» колхозининг чўлда 22-бригадасига тушидик. Ўрта бўй, ўйчан, юзлари чўл ҳавосидаги лишган, қарашлари жиддий бригадга бошлиғи Мамадали Аҳмедов:

— Марказий Фарғонанинг Аччиқўл массивида деҳқончилик қилган бригадаси аҳли чигитни барча майдонларга қайта эканлиги, энг қимматли муҳлатлари бой берганлигига қарамай, мўл ҳосил еттиштира олди, — дейди у, — бу ёз бўйи тинимсиз, чинакам фидокорона меҳнат аэвизига қўлга киритилди. Пахта тайёрлаш ҳалқ хўжалик планини 13 октябрда, мусобақадошимиз Мамадали Усмонов бошлиқ бригадга билан бир кунда, улардан айтиш учун сотат келиб бажардик. Шу кунга қадар 105 гектар-майдоннинг ҳар гектаридан 47 центнерга етказиб ҳосил олдик.

Бизнинг бригадасида ҳосилдорлигини 50 центнердан ошдириш учун курашилди. Бу ишда Ганнбой Каримов, Деҳқонбой Аҳмедов, Холматов Хомидов, Тўйчибой Жўраев, Абдулазиз Наримов, Латифжон Пулатов каби бригадаси аъзоларининг меҳнатларини мамнуният билан тилга оламиз...

Яна бригадалардан бригадаларга, колхоздан колхозга ўтиб борамиз. Калинин номи колхозининг машҳур 14-бригадаси бошлиғи Хурсандой Норқўзиев:

— Ёшимни танибманки, пахта даласидаман, — дейди. — Турли шартларда деҳқончилик қилганимиз. Пахтазорнинг томи йўқ. Ҳар йили ҳам маълум қийинчиликларни енгишга тўғри келади. 1983 йил ҳам бундан мустасно эмас. Биргина фактни келтирайми. Колхозимиз раиси — тажрибали агроном, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Инъомжон Азимов август ойининг қуёш қизган энг қайноқ кунларида бригадасизга ҳар кун келди. Ҳар бир пайкални қўриб, ғўза тушларига белгилар қўйди. Бағрларидан лабораторияга олиб кетди. Шира, қўсақ қўрти тушганини мана шу тариқа аниқлаб, қандай чора қўриш кераклигини эришмай тушунтирди. Ишнинг тепасида ўзи юрди.

Бундай жонқуярлик хўжалигимизнинг бошқа раҳбарларида ҳам мумкин. Шу босқондан ҳам ҳосилни ҳашаротга олдирайми. Ҳашарот бу йил мислсиз даражада хавф солгани эса қўпчилик пахтакорларга аён бўлса керак.

Бригадаси 54 гектар ердан ҳозирга қадар 46 центнерга етказиб ҳосил олди. Район хирмонида 230 тоннадан ортиқ пахта тўқиди. Хурсаной Бозорова, Тўлғонбой Эмбоева, Ҳабихон Мўминово, Эътиборхон Аҳмедова, Седанхон Аҳмедова, Шакарбай Рафқовна каби теримчиларимиз йиллик нормаларини ҳам бажариб қўйдилар. Биз 55 центнерлик марра учун курашамиз. Хирмонини 300 тоннага етказамиз.

Киров номи колхоз эса раиси Зинавой Солиев эса, салом-алиқдан кейинюқ:

— Тунов ку эртабалик концертни етиштирилганми? — деди. — 22-бригадасининг бошлиғи Юсуфжон Собиронинг номи «Ўзбекистон шўхрат китоби»га ёзилган шарафига сеvimли хонандасиз Ортиқ Отажонов ўз қўшқиларини унга бағишлаб айтди. 81 гектар қўмқоқ ерининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб, йиллик планини 122 процентга етказган бу бригадга аъзолари ҳам 50 центнерлик маррага яқинлаштилари.

КОЛХОЗНИНГ чўл участкасида пахта йили бўлгани кўриниб турибди. Йўқ, бу ер чўл эмас, чайқалиб турган оқпоқ денгиз. Бўйдоқ ва сершоҳ ғўзалар чўл шабадасида билинар-билинмас тебранади. Юлдуз тўқилгандай қарақлаб турган пайкал ичига кирсангиз, ҳар бир ғўзада толаси топ-тоза териб олинган чаноқлар 11-12 та, чаман-чаман очилганлари эса 4-6 та. Ўрта бўй, бугдой ранг, соддадиглиги қарашларидан сезилиб турадиган камтаргина йиғитни:

— Чўларимиз султони, — деб таништиришди. У, 20-бригадга бошлиғи Турсунали Холматов экан.

— Ҳосилдорлик 45 центнердан ошди, — дейди бригадир, — рапортни Мақсудали Ҳайдаровичнинг ўз қўлларига топишмоқчи бўлиб, Янгиқўрғонга тушган эдим. Йўқ эканлар. Районроком раиси Алижон Раҳимовга топириб келаям.

— Мусобақадошимиз қалай?

— Жумақўли Эргашевми? — Бригадир бир ерга қараб олди. — Плании биздан икки кун илгари бажаришди. Майли, энди тонналар қўпчили билан беллашамиз. Қани, охири ким ўзаркин?

— Бу йил ўзи омадларинг келибди, ҳар қанча беллашсаларинг арайди.

— Омадини ўзимиз мажбурият келтирдик, — дейди Турсунали Холматов, — «Уй-чи-2» уругини биринчи йили энчишимиз эди. Ундан амал қилиши қийин бўлди. Ғўза илҳоли эртабалаб кўришиб, тушда кўришмас, худди бутунлай кўриб қолганга ўхшарди. Дарров култивация қилиб, ўйит солиб, сув қўйиб, тагини юмшатиб, қўқартириб олиб, кейин яна қилдик. Икки марта қатқалоқ балосидан қўтқардик. Бу очилиб турган пахталар тракторчиниз Хўжабой Тўрақулов, сувчиларимиз Аҳмадали Пулатов, Абдуқаҳор Ортиқов, Мўминжон Хомидов, чопиқчиларимиз

Қўринисо Аҳмедова, Зуфринисо Муллаева, Муссархон Эралиева, Анорхон Мақсудоваларнинг пешоналари тери, ҳа, шундай.

Катта ҳосилнинг машаққат билан биного келганини кўрган-билган ҳамқиллоқларимиз уни йиғиштириб олишда жон дил билан зўмаклашишди. Фарзандларига бош бўлиб, пахтазорда ҳаммага ибрат бўлаётган Роҳила буви Ёқубова, Ҳабинисо хола Мирзаева, Зайнаб буви Мирсаидова, Сўйдинисо хола Мадалиева сингари момоларимизни кўриб, биз элли, Ватанини қанчалар ардоқлайдиган улғур кишиларнинг фарзандлари эканлигини билан фахрланамиз! Роҳила бувимизнинг хонадона-хонадон юриб, пахтазор кезиб айтган сўзлари-чи?

— Болаларимиз, пахта ризқу рўзимиз. Ким ота-онасини, ким фарзандини, ким биз момоларини сеvimаса, майли, бўйинига этак тутмасин! Пахта ҳеч қачон ерда қолмайди, — деган эди у. — Ахир пахта, бу — она-Ватан шарафига деган гап-ку! Қишу баҳор, ёз бўйи қилганлар бари меҳнат тақдирини кўзининг ана шу қисқа ва тигиз қуллари ҳал этишини билмайдиган борми?

Бу хитобнома фақат чўлдагина, фақат Киров номи колхоздагина эмас, бутун Бувайда райони пахтазорларида жаранглаб тургандай. Областда биринчи ўринда бориб, кундаликда яна ҳаммадан кўп топираётган бувайдаликларда бугун пахтадан бўлак қувонч ва ташвиш йўқ! Йилнинг мазмунини ўзида мумкин этактаган ҳозирги долзарб лаҳзаларда «Ватанпарварман», деган сўз ўз маъносини пахтазорда топиқмоқда.

Пешқадамликни ҳар йили қўлда тутиб келатган «Ленинбод» колхозининг бу йилги шабти янада баланд. Мақсудали Ҳайдаровни Мамақўл Султонов бошлиқ 15-бригадда учратдик. Райком секретарининг нимадандир қониқиб ҳосил қилмай, нимадандир кўнгли тўймай турганини сезиш қийин эмасди. Унинг кенг пешонасидаги чизилар кўпайгандай, кўзларидagi ўйчанлик яна чуқурлашгандай.


— Яна омадларинг келибди, — деймиз ундаги бизга номатўм бўлган ҳижоликни ёйиш учун. — Яна ўзларинг — область машғали!

— Омад дейсизми?

— Йўқ, бу омад амас! Агар ҳозир даладагиларга «ҳосил олишда омади қулган одам-синлар», дейилса, гаплашмай ҳам қўйишарди. Омад нима ўзи? Омад ўз-ўзиндан қулиб боқадими? У бекордан бекорга келадими? Фидойи кишиларимизнинг меҳнат жасорати бу!

— Қўпгина райондошларингиз маълум ва машҳур кишилар! Улар ҳақида кўп ёзилди, — секретарни саволга тутамиз, — энди ном таратган ўша бригадирлар, механик-ҳайдовчилар, орденли сувчилар, теримчилар ҳақида эмас, номи ҳақи ҳам ўз қишлоғи, колхоз, совхоздан нарга чиқмаган кишилар билан таништирсангиз?

— Унда районнинг бутун аҳолисини номаном ёзишга тўғри келади-ку! — Мақсудали Ҳайдаров ҳазил аралаш савол назари билан қарайди. Ана шулар — бизнинг буюк одамларимиз, ҳар қандай машаққатли ишни ҳам қўшиқ айтгандай бажариб, Бувайданинг обрў-эътиборини баланд-баландга қўтаряптилар. Пахтага бўлган меҳр, кўрсатилган жасорат, ҳиммату бардош бугунги меҳру муҳаббат, бугунги қадр-қиммат мезони, баланинг отага, отанинг болага, маҳбубининг маҳбубага садоқати раман бўлиб қолди.



● Тошкент қишлоқ хўжалик институтини Фарғона филиалининг агрономия факультетини студентлари «Комсомол» колхоз хирмонини юксалишига муносиб улуш қўшмоқдалар. Таалабар шу кунгача 450 тоннадан кўп пахта териб беришди. СУРАТДА: шу факультетнинг илгор теримчиси Баҳодир Абдуллаев.

Ж. Тўраев фотолари.

СЕНДАН ЧЎЧИМАЙМИЗ, ҚОРА БУЛУТ

ҚОРА БУЛУТЛАР борган сари қуюқлашапти. Кечанига баданларни муздай, татма ёқимли сийпалаб ўтган шабада энди хиёл-хиёл чимидишни бошлади. Бағдод районидagi «Большевик» колхозининг Қизилтепа массивида деҳқончилик қилаётган чўлуқувар комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, Бутуниттифок Ленин комсомоли мукофоти лауреати, 55 гектар ерининг ҳар гектаридан пландаги 35 центнер ўрнига 55 центнердан ҳосил олган Орифжон Усмоновжаев далаларидаги кишилар сони теримнинг илк кунларидида ҳам кўп. Бригадда теримчилар икки гуруҳга бўлиниб, жуғайма-жуғай тозалов ўтказишди. Ўрта бўйдан хиёл баланд, ҳаракатлари чаққон, йирин-йирик кўзларида ёшлик шиқоати қақнаб турган йигит теримчилар орасидан чиқиб келди.

— Неча йилдан буён бригадга бошчилик қиласиз?

— Олти йилдан ошиб қоляпти.

— Плании бажара олмай қолган йилнингиз ҳам бўлганим?

— Йўқ, — деди у. Яна бир нима демоқчидай тараддулданди.

— Ҳосилдорлик бўйича-чи?

— Шу ҳақда гапирмоқчиман, — у чала қолган гапни тўлдирди. Бригадирлигининг биринчи йиллари ҳар гектардан 35-40 центнердан ҳосил оласан ҳам планимиз ошиб кетарди. Бу йил ҳар гектардан мажбуриятдаги 40 ўрнига 55 центнердан ҳосил қўтардик. Яна 5 центнердан оламиз. Пахтазор дегани қон бўлади. Ўқондан қараб, шип-шийдам эканку, деб қўл силтамай, белни маҳкам боғлаб, этак тутиб, ичкарига кирган сира қўруқ чиқмайди.

Бригадаси, колхозимиз маррадан ошгани билан жонажон районимиз-чи? Қиш кириб қолди, деб этакни йиғиштирсан, инсофдан бўладими?

Худди шу мазмундаги хитобноманинг давомини бригаданинг аъзолари — Исомиддин Шарофиддин, Абдуалом Жўрақосимов, Бозорбой Нурматов, Чўлиной Шарофиддинова, Мукаррамхон Ҳабидуллаевалардан ҳам эшитдик. Ҳаммалари этакларини тўлдириб ҳаракатиди. Улар пайкалда йил этган мисқолни кўздан қочирмай тозалашди. 1-ўрта мактабин юқори синф ўқувчилари ҳам улар билан ёнма-ён жуғай оралишди.

— Ҳали далада ҳосилнинг борлиги кўнглимизни ерут қилипти, — дейди тушлик пайтида дастурхон тўрида ўтирган мўйсифид, — Фарғонамиз хирмонини ваъдадагидан оширмағунча қўймаймиз. Кеча кечқурун раисимиз Эркинжон Усмоновжаев план тўлгани муносабати билан колхозчиларни юрак-юракдан қўтлаб, яна биз қарияларга ўғил бўлиб, ўрта ёшлиқларга дўст, кичикларга ака бўлиб, ота бўлиб мурожаат қилди.

Соч-соқоллари оппоқ, серажин юзларидан нур ёғилиб турган, Қизилтепа массивига биринчи юриш бошлаганлардан бири бўлган бу отахон Орифжоннинг устози Дамин бува Мадрасимов эди. Раиснинг кечаги ҳаяжонли сўзини эсдаган Дамин бува:

— Ие, ана ўзи ҳам келиб қолди, — дедида худди эртақдаги пахлаволардай оғир-оғир қадам босиб келатган жуссадор, елкалари кенг, қарашлари ўткир кишининг ҳурматига ўриндан қўзғалган теримчилар орасидан ўтиб, раисга қўл узатди, — шунчалар тўлиб-тошиб гапирдингиз-ки, мана натижаси: теримчилар план тўлгандан кейин яна қўпайибди.

Раис бригадда тушганча қанча пахта терилганини сурштириб, жавобдан қониқиб ҳосил қилди шекилли, ҳаммага бир-бир раҳмат айтди. У бошқа ҳеч нарса демай пахтазорга бурилди. Дамин бува эса яна унинг сўзини эслади. «Ана ҳамқиллоқларим, — деган эди раис кеча, — ахир нимадан оғир топимиз — пахтадан, волидамиз туққанда бизни йўраклаган мато нимадан — пахтадан, белимиздаги белбоғимиз-чи — пахтадан, дастурхонимиз тўқилиги — пахтадан, дўстлар даврасидаги юзимиз ёруғлиги — пахтадан! Пахта деганда кимнинг бадани жимирламайди?! Ишқ деганларини шу-да! Ўйлаб қарасангиз, шу цахта туфайли, устимиз бут, оиламиз фазили, бардам. Пахтани боласидай ардоқлаган мўйсифидлар оғир! Дала кезиб, колхоз тузган болаларимиз ва момоларимиз, юртимизни фашистлардан тўзалган оталаримиз ва оналаримиз, аллақачон буви бўлиб қолган аёлларимизни кўриб, ҳаяжондан кўзларга ёш келади. «Пахта теринглар», деб уларни ким мажбур қилипти? Виласизларми, бу орият, нон-туз ҳурмати, бу элга бўлган меҳр! Инсофизларгина пахтаининг қадрига етмайди. Катта хирмонда ҳамма-ҳаммамнинг улуши бўлиши керак. Фақат колхозчи ёки совхоз ишчиси эмас, қишлоқларимизнинг ноз-неъматидан, сувидан, еридан, тузидан баҳраманд бўлган ҳар бир киши ҳиммат кўрсатмоғи ҳам фарз, ҳам қарз. Чинакам ота-она бўлсангиз, чинакам ўғил, она қиз бўлсангиз, қани, ўзингизни

пахтазорда кўрсатинг. Даладаги ҳосилнинг мўлжалимиздагидан мўл. Ноннинг увоғи ерга тушса увоғ бўлади, деб эғилиб олиб, кўзимизга суртамиз. Пахтаимиз-чи, пахтаимиз?

Б У СЎЗНИ колхозимиз 6400 тонна ўрнига 6500 тонналик хирмон яратиб қўйиб, маррадан ошгандан кейин айтётганимиз бежиз эмаслигини билиб турибсизлар. Областидаги ҳали республиканинг ўртача кўрсаткичидан кейинги юртанига қайси фарғоналик доқайд қарайди? Қани, ҳамма-ҳаммаини сўнгги тола, сўнгги чаноқ учун олиб борилаётган пахтазор бағрида кутамиз. Бугун колхозимизда янги бир бригадга ташкил этдик. Унга ўзим раҳбарлик қилаётган бўлидим. Бу бригаданинг аъзолари — колхозимиз теримчилариди яшаб, бошқа ерларда ишлайдиган, ишчи, хизматчи, зиёлилардан иборат. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамазид Қодиров, Октябрь революцияси ордени Абдурахим Икромов, Холдор бува Муҳиддинов, Халимжон Мирзаевлар бошлиқ бригадаларининг пахтазорда чиқадиган бу бригаданинг аъзолари бошқалардан кўп бўлишини кутмишимиз.

— Янги бригадга ишга киришдикинми? — Дамин бува ўзига ўзи гапиргандай ўриндан туриб раиснинг изидан жуғай оралаб кетди. Эркинжон Усмоновжаев бир-икки осмонга қараб қўйди. Қора булутлар қовоқ уйишиб турибди. «Шунча сабр қилдинг, яна бир оз шомша, — унинг дили пичирлади, — аммо сендан чўчимаймиз. Меҳр қўрқимиз билан яратилган олтинимизнинг бирор граммини ҳам жуғайларда қолдирмаймиз».

Бошқа колхоз-совхозларда, бошқа районларда ҳам ана шу аҳд қўллардан тутганига ишонч ҳосил қилдик. Ленинград районидagi Энгельс номи колхозини олиб кўридик. Колхознинг бу йилги ҳадамини кузатиб турганлар ҳар доимидан кўп бўлди. Ҳамма қизарди. Бир неча йиллар давомига қатор зақирларда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати бўлган, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мирзааҳмад Деҳқоновдай тақрибли, тадбирли, ғайратли, билимдон ва эътиборли киши раҳбарлик қилган бу хўжалиқнинг довури район ва област оша бутун республикага кетган эди. Шафқатсиз ўлим колхозчиларни эз сеvimли раисларидан жудо қилди. Колхоз энди қандай ўринда боракин? Бу савол ҳатто колхознинг янги раиси Саминжон Файзиматовни ҳам тез-тез ҳушёр тортириб турар, у кечани кеча, кундузини кундуз демай дала кезар, жуғайлар оралар, пайкал бошидаги ҳар бир деҳқон билан дардлашарди. Табиатнинг ҳар доимидан ҳам ортиқ хуруж уни изтиробга ташларди, аммо у умидсизланмади. Йиғим-терим далада ҳосил етарли, дегани ишонч билан бошланди. Колхозчилару идора хизматчиларинга эмас, колхоздаги ёш қари пахтага баробар ёпишди.

Терим авжга чиққан кунлари Мирзааҳмад Деҳқонов қишлоқ Советидagi меҳнат ва уруш ветеранларидан Олимжон ота Шокиров, Жумабой ота Нуралиев, Мадулар ота Маҳматов, Қамбар ота Мирзаевлар ўз тенгдошларига мурожаат билан қишқилар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бригадга партия ташкилотлари, бригадаларнинг умумий йиғилишлари ва жомат ташкилотлари зиммасига мазкур мурожаатни ишлаб чиқиш, бу ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифасини юкледи.

Бугунги куннинг шори, — дейилган эди ўша мурожаатда. — Битта «Пахта теримини юксак суръатда олиб бораёйлик!» Қишлоқ меҳнатчиларининг ҳам, мактаб ўқувчиларининг, колхоз ерида яшаб турган бошқа жойларда ишлайдиганларнинг ҳам шори шу бўлди. Биз улкан хирмон тақдирини ҳал қилинаётган, паллада ўз қароримизга содиқ қолдик: пахта теримида қатнашимиз, ҳар биримиз кунига 25-30 килограмдан пахта теримиз. Бу — район хирмонига қўшилаётган озмунча ҳисса эмас.

Қадри ветеранлар!

